

Миннатдорлик



Баҳром АБДУХАЛИМОВ,
Ўзбекистон Фанлар
академияси вице-президенти,
"Меънат шурати" ораени
соҳиб

**Кун кеча юртимиз
зиёлилари, жумладан,
илм-фан вакиллари учун
муҳим хушxabар эълон
қилинди. Ватанимиз
мустақиллигининг 29
йиллиги арафасида
Президентимиз
фармонига биноан бир
гуруҳ академиклар ва
илм-фан намояндлари
давлатимизнинг юксак
унвон, орден ва медаллари
билан тақдирланди.**

Бу эътибор биз, илм аҳлининг кўксимизни тоғдек юксалтирди. Рухиятимизга кўтаринчилик бахш этди. Мамлакатимизда интеллектуал салоҳиятни ҳамда унинг соҳибларини қадрлаш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасидаги муҳим қадамларнинг мантиқий давоми бўлди.

Ўзбек илм-фани, хусусан, академик фан кейинги уч-тўрт йилда миллий манфаатларимизга мос таразда жадал ривожлана бошлади. Шавкат Мирзиёев президентлик фаолиятининг биринчи кунлариданоқ илм-фан вакиллари билан изчил мулоқотни йўлга қўйиш, ўзаро фикр алмашиш, академик

фан тарақиётига алоҳида эътибор қаратиш ва фан ривоқи йўлидаги мавжуд муаммоларни зудлик билан ҳал қилишни кун тартибидagi асосий масалалардан бири эътиб белгилади.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур масалалар ечимига қаратилган қатор фармон ҳамда қарорлари илм-фан ривоқи учун янги имкониятлар яратиб берди. Жумладан, Фанлар академияси тузилмасини такомиллаштириш мақсадида ўнга яқин илмий-тадқиқот муассасаси Фанлар академияси тарихида қайтадан тикланди. Мамлакатимизда илмий даражага эга бўлган ходимларнинг ойлик маоши сезиларли даражада оширилди. Фан номзоди ва фан доктори даражасига эга олимларнинг маошига 30 фоиз ва 60 фоиз қўшимча ҳақ тўлаш тизими жорий этилди. Академикларнинг гонорари уч баравар кўпайтирилиб, уларнинг ҳордиқ чиқариши ва саломатлигини тиклаши учун иктимоний химоя кучайтирилди.

Фанлар академиясида фаолият юритаётган иқтидорли ёшларга имтиёзли ипотека кредити асосида 40 та ва докторантурада таҳсил олаётган ёш олимлар оилаларига бепул 20 та хонадон қалитлари топширилди. Хоразм Маъмур академиясида алоҳида 24 хонадонли турар жой биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Мамнуният билан таъкидлаш лозимки, бундан 30-40 йиллар илгари ишга туширилган, бугунга келиб бутунлай эскирган ва жаҳон тажрибасида аллақачонлар қўлланишдан қолган ускуналарга эга лабораторияларни

замонавий жиҳозлаш учун алоҳида маблаг ажратилиши ўзбек академик фанининг жаҳон фани билан бўйлаша олишига замин яратмоқда.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 24 май куни Ўзбекистон Миллий университетида олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари, академиклар, олимлар, ёш тадқиқотчилар билан ўтказган учрашуви юртимиз илм-фанини риволантириш йўлида муҳим қадам бўлди. Аввало, яқин-яқингача уч-тўрт йилда бир бериладиган грант маблаглари ҳисобига кун кўриб келаётган илмий-тадқиқот институтлари 2020 йил 1 январдан бюджет асосида молиялаштиришга ўтказилгани том маънода давлатнинг илм-фанга рағбатлиги бўлди. Энди олим "Лойиҳам тугаса, қаердан маош оламан, берган лойиҳамга маблаг ажратиладими?" қабилидаги адоқсиз ташвишлардан холи бўлиб, кўнгилни бир жойга қўйиб, илм билан шуғулланиши мумкин.

Президентимизнинг ёшларни илм-фанга кенг жалб қилишни жадаллаштиришга доир кўрсатмалари натижасида бугун ёшлар узоқ йиллик танаффусдан сўнг фанга қайтмоқда. Фанлар академиясининг янги сайланган академиклари тақдирланган "йўл харитаси" асосида илмий-таълимий ҳамда ишлаб чиқариш қароринида фаол иштирок этмоқда.

Яқин-яқингача хориқий давлатларнинг илмий-таълимий муассасаларида давлат кўмаги асосида тадқиқот ўтказишнинг имкони ҳам, илоси ҳам йўқ эди. Давлатимиз раҳбарининг бевоси-

та ташаббуси билан ташкил этилган Инновацион риволантириш вазирлиги ва "Эл-юрт умиди" жағғармаси томонидан мунтазам илмий-инновацион грантлар танлови эълон қилиниб, докторантура, стажировка ва малака ошириш курслари ташкил қилиниб турибдики, бу пировард натижада дунёнинг етакчи илмий марказлари билан ҳамкорлигини риволантириш орқали илм-фаннинг устувор йўналишлари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини шакллантирмоқда.

2020 йилнинг 1 январидан бошлаб давлат бюджети маблаглари ҳисобидан олий ўқув юртидан кейинги таълим институтига тайёрлов босқичи сифатида стажёр-тадқиқотчилар институтининг ташкил этилиши, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Фанлар академияси ўртасида олий таълим муассасалари магистратура босқичи талабаларининг амалиётини Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот муассасаларида ташкил этиш бўйича қабул қилинган қўшма қарор ёш олимларни тайёрлашга қаратилган муҳим тадбир бўлди.

Бугун Ўзбекистон, ҳеч шубҳасиз, ўз тарақиётининг янги босқичига қадам қўйди. Энди биз миллий тикланишдан миллий юксалиш сари қадам қўя бошладик. Миллий юксалишни эса бой тарихимиз, ақдодларимиз юрдирган бебахо мероссиз тасаввур ҳам эътиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам бу фанларнинг янада риволантириш, уларнинг таълим билан интеграциясини яхшилаш ҳаётиимизнинг тегишли муаммоларини ҳал қилиш ўзанларига йўналтириш зарур.